



ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 31 октябрь куни энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тақдироти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари бу ҳақда бир ҳафта олдин куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича йиғилишда кўрсатма берган эди. Шу асосида куз-қиш мавсумида ёқилги-энергетика ресурсларини тежаш ва бир маромда етказиб бериш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Маълумки, иқтисодиёт тармоқлари ривожланиб, турмуш даражаси яхшилانгани сари энергияга талаб ҳам ошиб боради. Сўнгги беш йилда юртимизда электр энергияси истеъмоли 20 фоизга, жумладан, аҳоли томонидан сарфланиши 31 фоизга ошган. Бу кўрсаткич йилгига 6 фоиздан ўсиб бормоқда.

Шу боис, энергия ишлаб чиқариш изчил ривожлантирилмоқда, бунга қўшимча сув, қуёш, шамол энергетикаси станциялари барпо этилмоқда. Шу билан бирга, электр энергияси ва табиий газ сарфини ҳисоблаш тизими ҳам тартибга келтирилди. Эндиги муҳим вазифа — бу неъматни қадрлаб, тежаб, ўз ўрнида фойдаланиш.

Тақдиротида мутасаддилар бу борадаги таклифларни баён этди. Хусусан, саноат корхоналарида иш жараёнини оптимallasштириш, энергия ишлаб чиқариш технологиясини модернизация қилиш, қозонхоналарни янгилаш ва таъмирлаш, қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига табиий газ ва электр энергиясини 10 фоизгача қисқартириш мумкинлиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари бу масала йилдан-йилга долзарб бўлиб бориши, шунинг учун

ҳамма соҳа ва ҳудудларда энергияни тежашга ўрганиш кераклигини таъкидлади. Бу пировард натижада халқимизни энергия манбалари билан ўзлуксиз ва барқарор таъминлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда дунёда энергия ресурслари тақчиллиги сезилмоқда. Шунинг учун кўплаб давлатларда энергия сарфини тежаш ва аҳоли хонадонларида иссиқлик ҳароратини мўтадиллаштириш чоралари қўрилмоқда.

Юртимизда ҳам бу борада ижобий тажрибалар оммалашмоқда. Масалан, Наманган ва Сирдарё вилоятларида кўчаларни ёритиш тизимидан оқилона фойдаланиш ҳисобида бир ҳафтада 50 минг киловатт соат ёки 14 фоиз электр энергияси тежалаётир.

Шу боис, мутасаддиларга ҳудудларга чиққан ҳолда энергияни тежаш бўйича қўшимча имкониятларни излаш вазифаси қўйилди.

Ижтимоий соҳа муассасаларида энергия самарадорлигини ошириш, қуёш панелларидан фойдаланишни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергетикада назорат инспекцияси ҳамда Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ваколатларини кучайтириш, ноқонуний ҳолатларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш бўйича вазифалар белгиланди.

ЎЗА

ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

ТИНЧ, ОБОД ВА ФАРОВОН МАСКАН

ХАЛҚИМИЗ КЎЗ ОЛДИДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ
ШУНДАЙ НАМОЁН БЎЛМОҚДА



Янги Ўзбекистон “Инсон қадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлат” деган муҳим ғоя негизда барпо этилмоқда. Жумладан, Тараққиёт стратегиясида шахс, инсон қадри биринчи ўринга қўйилиб, “инсон — жамият — давлат” янги тамойили давлат ҳамда жамият бошқаруvinинг меҳварини ташкил этади. Умуман, амалий натижа, инсон манфаати, унинг қадр-қиймати юртимиздаги барча ислохотларнинг туб моҳиятига айланган. Хусусан, инсонийлик ва меҳр-оқибат бешиги бўлган маҳаллаларимизда бундай ҳаётбахш ўзгаришлар яққол акс этаётир.

Манбаларга кўра, “маҳалла” сўзи арабчадан олинган бўлиб, “ўрин, жой” маъноларини англатади. Бу сўз турли даврларда, турли жойларда маҳаллот, жойигузар, жамоа, элат, эл каби тушунчалар билан ифодаланган. Айрим манбаларда маҳалла узоқ тарихга эга экани ва унинг пайдо бўлганига икки-уч минг йилдан ошгани ҳақида маълумотлар учрайди.

▶ Давоми 5-бетда

ЎЗБЕКИСТОН КЎМАГИДА МОЗОРИ-ШАРИФ ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Ўзбекистон Транспорт вазирлиги, “Ўзавиация” агентлиги, “Ўзаэронавигация” маркази ДУК, “Uzbekistan Airports” АЖ, “Ўзгидромет” вакилларида иборат мамлакатимиз делегацияси Афғонистонда Мавлоно Жалолиддин Балхий номидаги Мозори-Шариф халқаро аэропорти фаолиятини тиклаш бўйича техник ёрдам кўрсатиш жараёни якунига бағишланган маросимда иштирок этди.



Маълумки, Ўзбекистон қўшни Афғонистоннинг иқтисодий тикланишига, транспорт ва энергетика инфратузилмасини шакллантиришга улкан ҳисса қўймоқда. Икки мамлакат ўзаро савдо-иқтисодий алоқани янада ривожлантириш, истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурмоқда.

Мозори-Шариф халқаро аэропорти фаолиятини қайта йўлга қўйишда кўрсатилган техник ёрдам шундай ташаббусларнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари топишириғига биноан, ўтган йил Транспорт вазирлиги, “Ўзавиация” агентлиги, “Ўзаэронавигация” маркази ДУК, “Uzbekistan Airports” АЖ, “Ўзгидромет” вакилларида иборат

Идораларо комиссия томонидан Мозори-Шариф халқаро аэропортининг техник ҳолати ўрганилган ва зарур амалий чора-тадбирлар белгиланган эди.

Афғонистоннинг Балх вилояти Мозори-Шариф шаҳрида бўлиб ўтган анжуманда аэропорт фаолиятини тиклаш бўйича техник ёрдам кўрсатиш лойиҳаси босқичма-босқич амалга оширилгани, қисқа вақт ичида аэропорт ҳафтасига 4 та маҳаллий ва 1 та халқаро ҳаво қатновига хизмат кўрсата бошлагани қайд этилди.

Тадбир иштирокчилари фойдаланишга топширилган объектнинг тўлиқ имконияти, мажмуада яратилган шарт-шароит, аэропортдаги хизмат кўрсатиш сифати билан яқиндан танишди. Эътироф этиш жоиз, бу ерда ўтган давр мобайнида республикамизнинг тегишли вазирлик, идоралари томонидан қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳаво ҳаракатига хизмат кўрсатиш, парвозни радиотехник жиҳатдан таъминлашга эришилди.

Техник таъминлаш йўналиши бўйича Мозори-Шариф аэродромининг учуш-қўниш йўлаги қопламаси, ҳаво кемалари учун бурилиш йўлаклари ва тўхтаб туриш жойларидаги белгилар бўёғи тўлиқ янгиланган. Қолаверса, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан ҳудуднинг электр ва ёруғлик-техник таъминоти замонавий талаб даражасига келтирилган.

Афғон томони вакиллари биродарлик риштасини мустаҳкамлашга асосланган мазкур ташаббусни Ўзбекистон томонидан қўшни мамлакатлар билан дўстона, ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатини мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатнинг мантикий давоми, дея қабул қилинишини таъкидладилар.

▶ Давоми 2-бетда

САМАРҚАНД САММИТИ ОЛДИДАН

ДАВР ТАЛАБИ ВА ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ТРАНСПОРТ ЙЎЛАКЛАРИ ШУНДАЙ ТАМОЙИЛ АСОСИДА КЕНГАЙМОҚДА

Туркий давлатлар минг йиллар давомида маданият ва цивилизация маркази бўлиб келган. Таъбир жоиз бўлса, жаҳон савдосининг транспорт артерияси ҳам худди шу манзилларга туташган. Бу жараён бугун ҳам янгича кўриниш ва ғоялар асосида давом этмоқда. Бунинг самараси забт этилаётган марррлар, эришилаётган муваффақиятларда намоён бўлмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йили Туркий давлатлар ташкилотининг Туркияда бўлиб ўтган саммитидаги нутқида Туркий давлатлар ташкилотининг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик дастурини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурган эди. Ташкилот давлатлари учун жуда муҳим

ушбу йўналиш ўзаро алоқалар мустаҳкамланиши, транспорт логистикаси тармоғи тараққиётида муҳим ўрин тутади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири Илҳом МАҲКАМОВнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқдик.

▶ Давоми 4-бетда

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИ

ИЖТИМОЙ САМАРАДОРЛИК,
МАНФААТДОРЛИК ВА
СИФАТ КЎРСАТКИЧИГА ЙЎЛ ОЧАДИ



Ҳар қандай жамият бойлигининг манбаи, инсоният томонидан моддий ва маънавий бойлик яратишнинг асосий омили меҳнатдир. Жамиятнинг ижтимоий шакли қандай бўлишидан қатъи назар, меҳнат моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқаришда зарур фаолият бўлиб қолаверади.

Президентимиз таъкидлаганидек, иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришларнинг самараси биринчи навбатда, аҳолининг моддий аҳоли ва фаровонлигига, унинг ҳаёт даражаси ва сифатига қай даражада таъсир кўрсатгани билан ўлчанади. Бу ўзгаришлар, умуман, аҳоли бандлигини таъминлаш,

камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантириш жараёнида дастлаб меҳнат муносабатларини тартибга солувчи миллий қонун ва қонуности ҳужжатларни замон талаби асосида такомиллаштириш, уларда умумэтироф этилган тамойилларни қамраб олишни тақозо этади.

▶ Давоми 3-бетда

ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТДАН РАҚАМЛИ ҲУКУМАТ БОСҚИЧИГА ЎТИШ

УНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ НИМАДА?

Худоёр МЕЛИЕВ,
адлия вазири ўринбосари

Бугун мамлакатимизда электрон ҳукумат соҳасини ривожлантириш, яъни давлат бошқаруви ва иқтисодиёт секторларида, шунингдек, давлат хизматлари соҳасида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ишлари изчил давом этмоқда. “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунлар, Президентияларининг давлат ва бизнес, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларни автоматлаштиришга қаратилган фармон ва қарорлари соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонни ахборот технологиялари соҳасида катта салоҳиятга эга марказга айлантириш йўлида жуда катта куч ва ғайрат сафарбар этилган. Шу мақсадда рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш, инсон фаолиятининг барча соҳаларига рақамли технологияларни кенг жорий этиш, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим ва иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқариш, бошқариш тизимларини автоматлаштириш, ахборот тизими яхлитлиги ва барқарор фаолиятини ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби вазифалар белгиланган.

Бу устувор вазифалар ижросида электрон давлат хизматларини ҳар томонлама такомиллаштириш, хусусан, давлат хизматларини рақамли шаклга трансформация қилиш, идоралараро электрон ҳамкорлиқни ривожлантириш,



кўрсатилаётган электрон давлат хизматлари сифатини ошириш ва рўйхатини кенгайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан бевосита алоқасиз ўзаро муносабатларни амалга ошириш шаклларини кенг қўллаш, электрон давлат хизматларини мобил қўрилмалар ва электрон ҳамкорлиқнинг бошқа шакллари орқали кўрсатишни янада кенгайтириш катта аҳамиятга эга.

Бу борада Адлия вазирлиги томонидан ҳам қатор муҳим ва изчил ишлар амалга оширилмоқда. Вазирлик тизимида аҳолига Давлат хизматлари марказлари орқали хизмат кўрсатишнинг янги-ча тартиби жорий этилиб, **40 миллионга яқин** давлат хизмати кўрсатилди.

Ҳозир ҳар куни ўртача **40-45 минг** фуқаро Давлат хизматлари марказларидан фойдаланмоқда. Марказларда давлат хизматларини кўрсатиш жараёнини кузатиб бориш, муаммоларни тезкор ҳал этиш ва олинган маълумотлар таҳлили асосида келгусидаги ишларни прогностлаш мақсадида Адлия вазирлигида **Ситуацион марказ** ташкил этилди.

Бу марказ стратегик бошқарувда вазиятти ёндашуви амалга оширишнинг энг самарали воситаларидан бири бўлиб, динамика ривожланаётган вазиятларни изчил, ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида муҳим қарорлар тайёрлаш ва қабул қилиш, тизимдаги асосий

муаммо ва масалаларни аниқлаш имконини беради.

Давлат хизматлари марказлари орқали барча хизматларни **экстерриториал тамойил** асосида кўрсатиш йўлга қўйилди. Натижада доимий рўйхатдан ўтган жойидан (пропискага) ёки яшаш жойидан қатъи назар, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига исталган ёки ўзига қўлай жойдаги Давлат хизматлари марказига мурожаат қилиб, хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилди.

Адлия вазирлиги юртимизда биринчилар қаторида ўз фаолиятига халқаро стандартларни жорий қилиш мақсадида “SMS SYSTEMS” консалтинг компанияси билан биргаликда ахборот хавфсизлиги менежмент тизимини ISO/IEC 27001:2013 халқаро стандарти талаблари асосида жорий қилди. Бу эса кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини оширишга, ахборот махфийлиги ва ишончлилигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бундан ташқари, БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Европа Иттифоқининг “Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида давлат хизматлари тақдим этишни такомиллаштириш ва бошқарув даражасини



ошириш” қўшма лойиҳаси билан ҳамкорликда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, давлат хизматларини рақамлаштириш соҳасида “**Лицензия**” ахборот тизими, “**E-register**” апостил тизими жорий этилди ва “**ФХДЁ ягона электрон архиви**” маълумотлари **блокчейн** технология асосида тўлиқ рақамлаштирилди.



“Лицензия” ахборот тизимида лицензия, рухсатнома ва хабардор қилиш каби 78 та давлат хизмати тўлиқ ишга туширилди. Шунингдек, “E-App” расмий ҳужжатга электрон апостил қўйиш ва “E-register” апостил қўйилган расмий ҳужжатларнинг электрон реестри дастурлари ишлаб чиқилди. “E-Apostil” халқаро электрон апостил тизими ёрдамида расмий ҳужжатларга (ФХДЁ органлари хизматлари — туғилганлик, никоҳ, ажрим ва ўлим тўғрисидаги гувоҳномалар, ишончномалар, таълим тўғрисидаги дипломлар, суд ва терговга оид, нотариал ҳужжатлар ва бошқалар) апостил қўйиш ва тасдиқлаш икки баробар тез ва онлайн амалга оширилмоқда.

Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этиш билан боғлиқ давлат хизматларини кўрсатишда блокчейн технология жорий этилгани ушбу соҳада бюрократияни камайтириш, маълумотлар алмашинуви ҳамда муассасалар, фуқаролар ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни яхшилаш, шунингдек, шаффофликни таъминлаш ва коррупция хавфини минималлаштириш имконини беради.

Бугунги кунда шахсни унинг мобил телефон рақами орқали идентификациялаш имконини берувчи “**Мобиль-ID**”

тизими ишлаб чиқилиб, жорий этилди. Бу тизим фойдаланувчилари электрон рақамли имзони қўлламаган ҳолда барча давлат хизматларидан фойдаланиши, шунингдек, аризачиларни мобил телефон рақами орқали идентификация қилиш мумкин.

Албатта, ҳозир “электрон ҳукумат” тушунчасига изох бериш ёки унинг нималигини тушунтиришга ҳожат йўқ. Бироқ рақамли технологиялар оммалашиб, фойдаланувчилар талаби тобора кучайиб бораётган даврда босқичма-босқич **электрон ҳукуматдан рақамли ҳукумат босқичига ўтиш олдимизда турган асосий вазифа бўлиб бормоқда.**

Рақамли ҳукуматни яратиш жараёнида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш жуда муҳим аҳамият касб этади ва бу жараёни анъанавий методлар ва қарашлар билан амалга ошириш имкони йўқ.

Ушбу босқичда фуқаролар билан муносабатга киришишда ва уларга давлат хизматларини рақамли технологиялар ёрдамида тақдим этишда ахборот хавфсизлигини, шахсий маълумотлар дахлсизлигини таъминлаш, массофадан туриб мукамал идентификация ва верификация қилиш тизимларини яратиш

каби ҳаётий муҳим вазифалар юзга келмоқда.

Рақамли ҳукуматнинг ҳуқуқий асосини яратишда энг долзарб масалалардан яна бири бизнес жараёнлари реинжиниринг қилиниши, маъмурий жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш (ариза топширишдан бошлаб, қарор қабул қилиш жараёнигача), бизнесни тор идоравий манфаатлардан эмас, балки фойдаланувчи манфаатларидан келиб чиққан ҳолда “лойиҳалаштириш”дир.

Бугунги кунда Адлия вазирлиги томонидан мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратилиб, қатъий ислохотлар амалга оширилмоқда. Хар бир давлат хизматининг ҳуқуқий асосини ишлаб чиқиш ва жорий этишда, энг аввало, автоматлаштирилган тизимлар ёрдамида қарор қабул қилиш жараёнига эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, биргина “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши билан “Лицензия” ААТ орқали илгари лицензия ва рухсатнома кўринишида тақдим этилган 50 га яқин давлат хизматининг бизнес жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилиб, қарор қабул қилишнинг автоматик равишида амалга оширилишига эришилди.

Давлат хизматларини кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш, ташкилотлар ахборот тизимларини тўлиқ автоматлаштириш (рақамлаштириш) юзасидан Президентиямизнинг 2022 йил 22 августдаги “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда вазирлик ва идоралар билан доимий равишда ҳамкорлик ишлари олиб боришмоқда.

Бу каби чора-тадбирлар Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 9-мақсди — “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш, электрон давлат хизматлари улушини 100 фоизга етказиш ҳамда бюрократияни бартараф этиш йўлидаги муҳим қадамлар сирасига киради.

ЎЗБЕКИСТОН КЎМАГИДА МОЗОРИ-ШАРИФ ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

— Аввало, меҳмондўст, афғон заминининг жафокан халқига ҳар доим елкадош бўла оладиган Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдираман, — деди Афғонистон муваққат ҳукумати ташқи ишлар вазири ўринбосари Шер Мухаммад Аббос Станакзий. — Мамлакатингиз раҳбарининг Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш, хавфсизлиқни таъминлаш, тинчлик музокараларини илгари суриш борасидаги саъй-ҳаракатини юқори баҳолайман. Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан таъминла фойдаланишдан чиққан Мозори-Шариф халқаро аэропорти фаолияти қайта тикланди. Учаш-қўниш йўлақлари мукамал таъмирланди. Масофавий бошқариш тизими ишга туширилди. Аэропортнинг ташқи электр таъминоти тубдан яхшиланди.

Шунингдек, тадбирда аэропортнинг қурилиши тугалланган объектларини фойдаланишга топшириш ва фаолиятни тиклаш учун зарур жиҳозларни қабул қилиб олиш ҳужжати имзоланди. Бугунги кунда минтақа давлатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқа фаол суръатда жадаллашаётгани мамнуянати билан қайд этилди. Утган 9 ой давомида мамлакатларимиз ўзаро махсуслот ва хизмат айирбошлаш ҳажми 3,1 миллион тоннани ташкил этди. Бундан ташқари, трансфтон йўлаги Шимолдан ва Жануби-Шарқий Осиё давлатларидан жанубга юк ташиш имконини берди.

“Термиз — Мозори-Шариф — Қобул — Пешовар” темир йўли қурилиши лойиҳаси ҳам шериклиқни мустаҳкамлаши табиий. Экспертлар фикрича, бу Афғонистонни қайта тиклаш ва бутун минтақани ривожлантиришда стратегик аҳамиятга эга лойиҳа ҳисобланади.

— Мамлакатларимизни азал-азалдан ўхшаш тил, умумий муқаддас дин ва муштарак маънавий қадриятлар бирлаштириб туради, — деди Ўзбекистон транспорт вазири Илҳом Маҳмамов. — Мозори-Шариф аэропорти фаолиятини қайта тиклаш бўйича ҳамкорликда амалга оширилган

чора-тадбирлар Афғонистоннинг иқтисодий ривожланишига қўмаклашиш, бу заминдан амалга ошириладиган парвозлар хавфсизлигини таъминлаш ва аэропортнинг самарадорлигини янада ошириш йўлида муҳим қадам бўлади.

Делегациямизнинг муборак шаҳар — Мозори-Шарифга ташрифи аэропорт электр таъминотини бошқариш пункти очилиш маросимидagi иштироки билан давом этди. Икки томон транспорт вазири афғон афғон раъмзий қизил боғични кесганларидан сўнг йиғилганларга мазкур технология хусусида маълумот берилди.

Утган бир йил мобайнида Ўзбекистон аэропортларида фаолият юритаётган етук мутахассислар Афғонистоннинг мазкур аэропортига жалб қилинди. Уларнинг ёрдами билан аэропортнинг учаш-қўниш, бурилиш йўлақлари, ҳаво кемаси турароҳларидаги мавжуд нуқсонлар, камчиликлар бартараф этилди.

Учаш-қўниш йўлагининг ёритиш-сигнал мосламалари ҳам таъмирланди. Натижада аэропорт тунги пайтда ҳам, нуқуллай об-ҳаво шароитида ҳам парвозларни қабул қила олиш имконига эга бўлди. Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, куз ва қиш мавсумига тўлиқ тайёргарлик қўриш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди. Бу қўмак Ўзбекистон томонидан биродар афғон халқига, Мозори-Шариф аэропортига техник воситалар етказиб бериш йўли билан амалга оширилди.

Хулоса шуки, кўп йиллик тарихга эга Ўзбекистон — Афғонистон муносабати маданият, урф-одат ва анъаналардаги яқинлик, муштаракликка асосланган сиёсий шериклик ҳамда иқтисодий соҳаларда фаоллашиб борапти. Энди Мозори-Шариф аэропортидан маҳаллий ва хорижий ҳаво қатнови яна жонланди. Бу, ўз навбатида, ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига салмоқли хисса қўшади.

Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўза мухбири

Тошкент — Мозори-Шариф

“INFOLIB UZBEKISTAN — 2022”

ЗАМОНЛАР ОША САЁХАТ ҚИЛАЁТГАН ҲИКМАТ КЕМАСИ

XI Миллий ахборот-кутубхона ҳафталигининг ёрқин саҳифалари

Донишмандлар “Китоб замонлар денгизига саёҳат қилаётган ва ўзининг қимматбаҳо юқини авлодлардан-авлодларга ташиётган ҳикмат кемасидир”, дея бежиз таъкидламаган. Зеро, айни пайтда юртимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусдан бири — ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонлиқни кенг тарғиб қилиш йўлида олиб борилаётган эзгу ишлардан мақсад ҳам илмга ташна ўғил-қизларимиз қалбига ҳаётнинг асл ҳақиқатлари, ҳикматлари ва сабоқлари зийнесини олиб киришдир.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “INFOLIB UZBEKISTAN — 2022” XI Миллий ахборот-кутубхона ҳафталигининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ҳафталик бир вақтнинг ўзига Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказларида ҳам ташкил этилди.

— Ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси умумий фонди 7 715 585 нусхани ташкил этади ва уларнинг 6 963 493 таси босма нашр, 752 092 таси эса электрон шаклдаги адабиётлардан иборат, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти



Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори А.Ходжаев. — Бугунги кунга келиб кутубхоналар фаолиятида катта ижтимоий ўзгаришлар ўз бермоқда. Кутубхона имижини кўтариш, маънавий қиёфасини ўзгариштириш, ижтимоий салоҳиятини ошириш мақсадида эътиборга молик ишлар амалга оширилаётгани қувонarliдир.

Маросимда сўзга чиққанлар Ўзбекистонда кутубхона соҳасини ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилинаётгани ва чора-тадбирлар қўрилаётганини алоҳида айтиб ўтди. Жумладан, Президентиямизнинг 2019 йилги 4354-сонли қарорида таъкидланганидек, аҳолига кутубхона хизмати кўрсатиш мақсадида юртимизда 186 та туман ва шаҳар кутубхоналари ташкил этилди, қўллаб кутубхоналар қайта реконструкция қилинди, тўлиқ таъмирланди. Уларнинг моддий-техник базаси яхшиланиб, замонавий жиҳозлар билан

таъминланди. Соҳа вакиллари ҳам катта эътибор қаратилмоқда, уларнинг фаолияти рағбатлантирилиб, юксак эътироф этилмоқда, нуфузли давлат мукофотларига сазовор бўлиб келмоқда.

— Бу йилги “Ёш кутубхоначилар” II форуми “Янги Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти — ёшлар қўлида” шиори остида ўтказилмоқда, — дейди Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти талабаси Зилола Файзуллаева. — Мен ўтган 2021 йилда ҳам ушбу форумда фаол иштирок этиб, Бухорога бир олам режа ва илҳомлар билан қайтган эдим. Уйлайманки, бу сафарги қизқарли тадбирлар ҳам бизга замонавий талабаларга жавоб берадиган муваффақиятли кутубхона-ахборот фаолияти учун зарур бўлган шахсий ва касбий компетенцияларни, билим, тажриба ва кўникмаларни тақдим этади. Бугунги кунда жамиятда кутубхоначи ва кутубхоналар мавқеини ошириш, ижобий имижини

яратиш борасида самарали тизим юзга келаятиганидан ниҳоятда мамнунимиз.

Ёш авлоднинг соғлом ўсиши, сифатли таълим олиши ва баркамол шахс бўлиб вояга етишини таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва китоб ўқишга қизиқишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган 5 муҳим ташаббусни жорий этиш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан бу йилги Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги билан бирга 2-4 ноябрь кунлари “Tashkent BOOKFEST” халқаро кургазма-ярмаркаси ҳам ташкил этилади.

Ҳафталик доирасида жамоат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда соҳа мутахассислари ва китобхоналар учун маънавий-маърифий семинарлар, давра суҳбатлари, танловлар, тренинглар ўтказилади. Шунингдек, наشريлар иштирокида китоб кургазмалари, ярмаркалари ташкил этиш, мутахассисларнинг маънавий-маданий билимини оширишга йўналтирилган тадбирлар, маҳорат дарслари, викториналар ҳам ҳафталик дастуридан ўрин олган. Танқлиқ фан ва маданият намояндалари, санъаткор ва ижодкорлар иштирокидаги учрашувлар, театрлаштирилган сахна кўринишлари ҳам режалаштирилган.

Бу каби ёрқин саҳифаларга бой маънавий-маърифий анжуманлар тобора сафи ортб бораётган китобхонларимиз қалбида ўчмас из қолдириши шубҳасиз.

Мухтасар
ТОЖИМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИ



Одилжон ТОҶИБЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикери ўринбосари

Бошланғич 1-бетда

Депутатларимиз масъулигида маромига етказилган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 2021 йилда Сенатга юборилган эди. Президентимиз 25 октябрь куни Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича ўтказган видеоселектор йиғилишида янгидан ишлаб чиқилган мазкур Меҳнат кодекси хусусида тўхталиб, ушбу муҳим ҳужжатни, яъни қонунчиликка киритилаётган янгиликларни халқимизга, иш берувчи ва ишчиларга содда тилда тушунтириш кераклигига алоҳида эътибор қаратди.

Узоқ қутилган кунлар келди. Президент 2022 йил 28 октябрь куни “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонунни имзолади.

Расмий эълон қилинган кундан 6 ой ўтиб кучга кирадиган янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини аҳоли, айниқса, ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларни ишга жойлаштириш бўйича қўшимча кафолатлар белгилангани билан аҳамиятлидир.

Узоқ йиллар давомида эҳтиёжманд, кам таъминланган аҳолига моддий-маънавий қўмак берилгани ҳақида қўп гапирилди, ҳисоботлар топширилди. Аммо уларнинг бандлигини таъминлаш, “қўлига балиқ эмас, қармоқ бериш” ҳақида фундаментал қарор ва амаллар четга суриб келинарди. Ҳатто мамлакатимизда “камбағаллар” борлигини тан олмасликка ҳам қўниқиб қоландик. Бу билан кам таъминланган аҳолининг қосаси оқармади, бири икки бўлмади. Қўл билан берганга қуш тўймас, деганларидек, эҳтиёжманд аҳолига ажратилган моддий ёрдам уларнинг унбў-ўсиши, ривожланишига хизмат қилмади.

Эътиборлиси, Ўзбекистон тарихида илк маротаба, яъни 2020 йил январь ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби, бизда ҳам камбағал аҳоли қатлами мавжудлигини очик айтиди. Ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки улар миқдорини ошириш орқали камбағаллик муаммосини ҳал қилиш мумкин, деб ҳисоблаш бир томонлама ёндашув бўлиб, муаммони тўла ечиш имконини бермаслиги алоҳида таъкидланди.

Камбағалликни камайтириш мақсадида аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, уларнинг ички салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш каби комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш бўйича муҳим қадамларни қўйиш кераклиги қайд этилди.

Тарихий Мурожаатномадаги ана шу руҳ, кайфият янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида ҳам ўз мужассамини топди. Яъни аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари ва уларнинг аниқ мезонлари янги кодексдан ўрин олди.

Хусусан, 14 ёшга тўлмаган, ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз ота-она, шунингдек, қўп болали оилалардаги ота-оналар, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларини, касб-хунар мактаблари ва коллеж ҳамда техникумларни тамомлаб касбга эга бўлган ёшлар, “Меҳрибонлик” уйлари битирувчилари, олий таълим ташкилотларининг давлат гранти бўйича таълим олган битирувчилари, ногиронлиги бўлган, пенсияолди ёшдаги шахслар, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати қўшинларидаги муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра, ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар ҳамда одам савдосидан жабрланганлар аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига киритилди.

Янги таҳрирдаги кодекс қабул қилинишининг зарурати нималарда кўринади?

Ўзбекистонда аҳолининг даромад-ли меҳнат билан бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш ва

ўқитиш, ўзини ўзи банд қилиш фаолияти “маҳаллабай” ишлашга қаратилган вертикал тизим асосида қўриқлаётгани аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Бу борадаги ишлар, шунингдек, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ўртасида мажбурий меҳнат-га қарши курашиш, меҳнат ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш, меҳнат соҳасига оид халқаро стандартларни жорий этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётгани халқаро ҳамжамият томонидан алоҳида эъти-роф этилмоқда.

Аммо айни пайтда халқаро экспертларнинг, ХМТнинг тавсия ва таклифлари таҳлили шунки кўрсатдики, амалдаги Меҳнат кодекси мамлакатимизда ижтимоий соҳа ва иқтисодиётни ривожлантириш, жумладан, инвестиция муҳитини яхшилаш, иш билан таъминлашнинг замонавий шакллари ҳамда касб-хунарга ўқитиш тизимларини жорий этиш борасидаги кенг қўламли ислохотларга мос келмай қолгани яққол кўзга ташланди. Кодекс қабул қилинган вақтда хусусий сектор улуши атиги 21 фоиз бўлган, ҳозир бу кўрсаткич 83 фоиздан ошди. Қолаверса, кундан-кун ривожланиб бораётган меҳнат бозорида юзага келган замонавий меҳнат турларига оид муносабатлар ҳамда бу борада ишга туширилган рақамлаштириш технологияларининг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинмаган.

Сўнгги йилларда меҳнат бозоридаги вазият ўзгарди. Соҳага оид қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида қўлгина янги институтлар ҳамда янги механизмлар амалиётига киритилгани кодекснинг янги таҳрирдигисини қабул қилиш заруратини юзага келтирди.



Амалдаги Меҳнат кодекси бозор иқтисодиётига ўтиш вақтида, яъни 1995 йилда қабул қилинган эди. 2 қисм, 16 боб ва 294 моддадан иборат ҳужжатдаги нормаларда давлат ташкилотлари ва йирик саноат қорхоналари ҳамда турли мулкчилик шакллари, айниқса, кичик ва ўрта бизнес субъектларидаги меҳнат муносабатлари акс эттирилмаган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси томонидан сўнгги йилларда ратификация қилинган айрим халқаро конвенциялар ва ҳужжатлар мезёрлари имплементация қилинмаган.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Ҳаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 135-бандига асосан ишлаб чиқилди.

Кодекс лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида 10 дан ортиқ халқаро ташкилот, жумладан, Халқаро меҳнат ташкилотининг қатор конвенциялари, 60 дан зиёд давлат тажрибаси ўрганилди.

Янги кодексдаги ўзгаришлар моҳияти

Мамлакатимиз меҳнат қонунчилигининг асосий йўналишлари белгиланган янги таҳрирда кучга кирадиган кодекс ҳажми амалдагига нисбатан 3 баробар катта бўлиб, 600 га яқин моддани ўз ичига олади. Унга бандлик, индивидиал меҳнат муносабатлари, ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш, меҳнат низола-рини кўриб чиқишни назарда тутувчи нормалар қўшилди.



Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини муҳофама қилиш порталида (regulation.gov.uz) уч маротаба жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган кодекс лойиҳасида ХМТ конвенциялари ҳамда халқаро шартномаларда белгиланган қоида ва меъёрлар ўз аксини топди. Янги таҳрирдаги кодексни маромига етказишда халқаро экспертларнинг, ХМТнинг тавсия ва таклифлари инобатга олинди. Ишчи ҳамда иш берувчи меҳнат ҳуқуқи субъекти сифатида белгиланган кодексда ҳар икки

маълумотларини ҳимоялашга хизмат қилмоқда. Муҳими, меҳнат шартнома-сини иш берувчининг ташаббусига кўра ёки ходимнинг пенсия ёшига тўлиши муносабати билан бекор қилишни таққиқлаш назарда тутилди. Зотан, амалдаги кодексда бу борадаги мавжуд бўшлиқлар Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнат ва бандлик соҳасидаги камси-тишларни бартараф этиш тўғрисидаги конвенциясига мос келмайди.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож ишчиларнинг айрим тоифалари — аёллар ва оилавий мажбуриятларни бажариш билан шугулланадиган шахслар, 18 ёшга тўлмаган ишчилар, ногиронлар, ўриндошлик асосида ишловчилар, яқка тартибдаги тадбиркорлар меҳнатини тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари акс этган. Масалан, иш берувчи ҳомиладор аёлларга бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида антенатал (туғуруқча) парваришлаш (перинатал скрининг ва ташхис, мажбурий тиббий қуриқ ва бошқа мажбурий тиббий муолажалар) учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча бўш кунларни бериши лозим бўлади.

Ходимни иш стажига қараб ишдан бўшатиш нафақасини табақалаштириш ва бунда айнан ушбу ташкилотда ишлаган муддатини инобатга олиш назарда тутилган. Дейлик, 3 йилгача иш стажига эга ходимларга бериладиган ишдан бўшатиш нафақаси ўртача ойлик иш ҳақининг 200 фоизидан кам бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган. Иш берувчига эса ходимлар билан муддатсиз меҳнат шартномаси тузиш, шунингдек, муддатли меҳнат шартномасини тузилиши мумкин бўлган максимал муддатни 5 йилдан 3 йилгача камайтириш ҳуқуқи берилди.

Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликка оид алоҳида бўлимда мазкур муносабатларнинг ҳуқуқий асоси очиб берилган. Ижтимоий шериклик ходимлар, иш берувчилар, ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасидаги меҳнат ва у билан бевосита боғлиқ бўлган ҳамкорли-ни таъминлашга қаратилган тизимни назарда тутди.

Кодексда иш берувчи субъектлар сифатида мулкый ва идоравий ман-сублигидан қатъи назар, ташкилотлар, ёлғаш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотларнинг алоҳида таркибий бўлима-лари ҳамда жисмоний шахслар белги-ланган.



Дам олиш кунини давлат байрамла-ри (ишланмайдиган байрам кунлари) кунларига тўғри келган таҳдирда қучи-риш қондаси киритилди. Меҳнат таъ-тилининг минимал давомийлиги кален-дарь кунларда (15 иш куни ўрнига 21 календарь куни) белгиланди. Ходимни бошқа иш берувчига хизмат сафарига юбориш тартиби мустаҳкамланди.

Жамоанинг муваффақияти раҳбар-нинг салоҳияти, бошқарув усули ва ташаббускорлиги, замонавий фикрла-шига боғлиқ. Ташкилот, идорада қандай

шахс раҳбар бўлиши доимо муҳим бў-либ келган. Шу боис, янги таҳрирдаги кодексда айрим тоифадаги ходимлар (раҳбарлар, бош бухгалтерлар) учун синов муддати 3 ойдан 6 ойгача узай-тирилди. Бунда амалиётда раҳбарнинг ўзини кўрсата олиши, жамоани бир мақ-сад атрофида бирлаштира олиши учун 3 ойлик синов муддати камлик қилаёт-гани инобатга олинди.

Янги таҳрирдаги кодексда аввал бўл-маган, яъни иш билан таъминлаш жар-аёнларини рақамлаштириш, электрон меҳнат дафтарчаларини юритиш, меҳнат шартномаларини тузиш ва ягона маълумот базасида рўйхатдан ўтказиш механизмлари очиб берилган. Шунингдек, мослаштирилган иш вақти режими белгилангани кучга кирадиган кодекснинг муҳим жиҳатларидан. Бу маълум бир ходим ёки ташкилотнинг таркибий бўлиналаридаги ходим-лар гуруҳлари учун иш кунининг бош-ланиши, тугаши ва умумий иш куни муддатини ходимнинг ўзига тартибга солишга рухсат этган ҳолда иш вақти-ни ташкил этиш усули ҳисобланади. Сменали иш, мослашувчан иш вақти, иш кунини қисмларга бўлиш, хизмат сафари пайтидаги иш вақтлари ва бошқалар ҳисобга олинадиган бўлди.

Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерик-ликка оид алоҳида бўлимда мазкур му-носабатларнинг ҳуқуқий асоси очиб бе-рилган. Ижтимоий шериклик ходимлар, иш берувчилар, ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасидаги меҳнат ва у билан бевосита боғлиқ бўлган ҳамкорли-ни таъминлашга қаратилган тизимни назарда тутди.

Кодексда иш берувчи субъектлар сифатида мулкый ва идоравий ман-сублигидан қатъи назар, ташкилотлар, ёлғаш ҳуқуқига эга бўлган ташкилот-ларнинг алоҳида таркибий бўлима-лари ҳамда жисмоний шахслар белги-ланган.

этилиши ҳолатлари кўрсатилган, яқка меҳнат низои медиаторга юборилиши-ни жорий этиш, меҳнат арбитражи тизи-ми йўлга қўйилади.

Низоларни ҳал қилишнинг муқобил имкониятлари кенгайтирилиб, судлар-даги иш ҳажми камайтирилди. Айрим тоифадаги ходимларнинг меҳнати ҳуқу-қий жиҳатдан тартибга солинди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотига кўра, 2022 йил-нинг 1 январь ҳолати бўйича меҳнат ресурслари сони 19,3 миллион кишини ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даври-га нисбатан 1,1 фоизга ёки 202,6 минг кишига ошган. Иқтисодиёт тармоқлари-да банд бўлганлар сони 13,5 миллион кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,3 фоизга (299,3 минг кишига) кўпайган.

2021 йил январь-декабрь ойларида туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кў-маклашиш марказларига 879,5 минг фуқаро иш топишга ёрдам сураб му-рожаат қилган. Уларнинг 393,8 минги иш билан таъминланган.


Эътибор ва рағбатни кафолатлайди

Мамлакатимизда аҳоли бандлиги масаласи давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши ҳисобланади. Прези-дентимиз ҳар бир чиқишида, ҳудудлар-га ташрифда мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётида амалга оширилаёт-ган ислохотлар замирида халқимизнинг розилигига эришиш, тадбиркорликка эркинлик бериш орқали янги иш ўрин-ларини қўпайтиришга асосий эътибор-ни қаратиш бежиз эмас.

Мамлакат қачон ривожланади? Қач-онки халқ бой бўлса, одамларнинг дар-омади ўзи ва оиласини таъминлашга етса. Ишлаган, меҳнат қилган инсон меҳнатига яраша ҳақ ва муносабатга эга бўлса. Бунинг учун бу борадаги ҳуқуқий масалаларни тартибга солувчи мустаҳ-кам ва пухта ишланган қонунчилик мав-жуд бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Меҳнат бозорининг келажақдаги рив-ожи учун хизмат қиладиган янги таҳ-рирдаги Меҳнат кодекси мамлакатимизда ижтимоий соҳа ва иқтисодиётни ривожлантириш, жумладан, инвестиция муҳитини яхшилаш борасида мамлака-тимиз меҳнат қонунчилигини такомил-лаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди. Мазкур кодекс истиқболда кичик бизнес субъектлари ва яқка тар-тибдаги тадбиркорлик билан шугулла-надиган аҳоли меҳнатини ҳуқуқий тар-тибга солишга имкон беради. Расмий ва норасмий тармоқда мавсумий иш билан банд бўлганларнинг меҳнат ҳуқуқлари-ни тартибга солишдаги бўшлиқ ва қара-ма-каршиликларни бартараф этади. Меҳнат муносабатларида коррупция хавфи камайиб, “Ягона миллий меҳнат тизими” рақамлаштирилади.

Гендер тенглик, нейтраллик тамо-йиллари, имконияти чекланган шахс-лар, норезидентларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи таъминланади. Иш берувчи-ларнинг меҳнат бозоридаги янги меҳ-нат турларидан фойдаланиш имко-нияти яратилиши, меҳнат шартномаси



турлари кенгайтирилади ва норасмий тармоқларда ишловчиларни легал-лаштиришга эришилади.

Мухтасар айтганда, ушбу ҳужжат мазкур соҳадаги қатор муаммоларни, меҳнат бозоридаги вазиятни инобат-га олиб, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, қонуний ҳал қилишда, ишлаган ишга, иш бе-рувчи эса киритган сармоясига муно-сиз тарзда эътибор ва рағбатга эга бўлишни кафолатлайдиган муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

САМАРҚАНД САММИТИ ОЛДИДАН

ДАВР ТАЛАБИ ВА ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ТРАНСПОРТ ЙЎЛАКЛАРИ ШУНДАЙ ТАМОЙИЛ АСОСИДА КЕНГАЙМОҚДА



Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон долзарб аҳамиятли ташаббусларни илгари сурмоқда

— Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотдаги ўрни катта. Ташкилот доирасида шу пайтгача бўлиб ўтган тадбир ва мулоқотларда мамлакатимиз ўз ташаббусларини илгари суриб келмоқда. Мазкур тақдирлар долзарблиги ва амалий натижадорлиги билан алоҳида ажралиб туради, — дейди Илҳом Маҳамов. — Президентимизнинг Туркий давлатлар ташкилотининг транспорт соҳасидаги ўзaro боғлиқлик дастурини ишлаб чиқиш гоёси ҳар бир иштирокчи давлат учун қадрли. Бинобарин, бундай дастурга эҳтиёж сўнгги пайтларда Ўзбекистон ва бошқа туркий мамлакатларда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, транспорт йўналишларини диверсификация қилиш, транзит билан боғлиқ жараёнларни соддаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилгани билан боғлиқ. Бироқ туркий давлатлар транспорт тизимининг интеграциялашув жараёни тўлиқ якунлангани йўқ.

Ўзбекистон раҳбари томонидан тақлиф этилган транспорт соҳасидаги ўзaro боғлиқлик дастури тегишли инфратузилмани яратишда ташкилотга аъзо мамлакатлар фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бугун Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар жадал ривожланмоқда. Биргина 2021 йилда Ўзбекистоннинг ТДТга аъзо мамлакатлар билан ташқи савдо айланмаси 8,3 миллиард долларни, шундан экспорт ҳажми 3,1 миллиард долларни, импорт 5,3 миллиард долларни ташкил этди.

Ўзбекистоннинг ТДТ давлатлари билан 2021 йилда юк ташиш ҳажми 27,6 миллион тоннани ташкил этган бўлиб, унинг 80 фоиздан ортиги темир йўл, 18 фоиздан ортиги эса автомобиль транспорти ҳиссасига тўғри келган. Транспорт коммуникацияси соҳасидаги ўзaro боғлиқликни таъминлаш иқтисодий алоқаларнинг янада тараққий этиши ҳамда ТДТга аъзо мамлакатлар ва минтақаларнинг умумий ривожланишида муҳим ўрин тутди.

Айни шу жиҳатларни инобатга олсак, давлатимиз раҳбарининг транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни тизимли асосда йўлга қўйишга

эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Президентимиз таъкидлаганидек, туркий халқлар яшаб келган минтақалар минг йиллар давомида Шарқ ва Ғarb, Шимол ва Жануб ўртасида транспорт ва савдо кўприги вазифасини бажарган.

Янгича ёндашув — бугунги кун эҳтиёжи

Дунёда рўй бераётган сиёсий ва иқтисодий воқеалар ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик масалаларини баҳолашга янгича ёндашуви талоқ этмоқда.

Халқaro вазият жадал ўзгариши, геосиёсий кескинлик кучайиши бугунги кунда биздан юк ташишининг ташқи савдо йўналишларини диверсификация қилишга комплекс ёндашишни, биргаликдаги савдо-иқтисодий алоқаларни амалга оширишни талаб қилмоқда.

Бугун дунёда кузатилаётган вазият транспорт коммуникацияси соҳасини ривожлантириш ва ташқи савдо юкларини ташиш йўналишларини диверсификация қилишда умумий ёндашувларни талоқ қилмоқда. Мавжуд вазиятнинг ҳисобга олган ҳолда муқoбил транспорт йўналишларини ривожлантириш, ТДТга аъзо мамлакатлар ва минтақа давлатлари билан ҳамкорликда халқaro юк ташишларини янада енгиллаштириш, рақамли технологияларни жорий қилиш ҳамда минтақанинг транзит салоҳиятини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Европа ва Осиё ўртасидаги энг қисқа трансконтинентал йўналишлар туркий давлатлар орқали ўтади. Шунинг учун уларнинг бириктириш ва интеграциялашувини нафақат транзит юк ташиш ҳажми ошишига олиб келади, балки Евроосиё қитъасининг барча мамлакатлари ривожига фаол хисса қўшади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда худудларини бир-бирига боғлай оладиган янги транспорт коммуникацияларини барпо этиш бўйича фаол ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар ҳамда Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўллари қурилиши лойиҳалари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, минтақа давлатларининг биргаликдаги савдо-иқтисодий алоқалари билан Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон — Афғонистон ҳамда Осиё



— Тинч океани минтақаси мамлакатлари — Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон — Туркменистон — Озарбайжон — Грузия — Туркия — Европа янги мультимодал транспорт йўналишлари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча соҳа ва тармоқларга замонавий технологияларни жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар қўрилмоқда. Президент қарори билан “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси тасдиқланди.

2021 йилда Ўзбекистон ва Қозғистон ўртасида “e-TIR” тизими орқали синов тарихида биринчи тажриба юк ташиш ташкил этилди. Бу транспортни рақамлаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Худди шу йили туркиялик ҳамкорлар билан биргаликда халқaro юк ташиш соҳасида “e-Permit” электрон рухсатнома тизими ишга туширилди. Рақамлаштириш темир йўл ва ҳаво транспорти соҳасида ҳам фаол кечмоқда.

Ўзбекистон туркий тилли давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар портларидан юк ташишни ташкил этишда фаол.

Статистик маълумотларга кўра, ўтган йили Ўзбекистоннинг Қозғистон ва Туркменистон портлари орқали юк ташиш

“ БУГУН ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ЎРТАСИДАГИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА. БИРГИНА 2021 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТДТГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ 8,3 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРНИ, ШУНДАН ЭКСПОРТ ҲАЖМИ 3,1 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРНИ, ИМПОРТ 5,3 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. ”

ҳажми икки баробардан кўпроққа ошган.

Ташкилотга аъзо давлатлар транспорт соҳасида ҳамкорлик қилиш учун улкан салоҳиятга эга. Уларни самарали ишлата олиш мамлакатларнинг барқарор ривожланишига, кўп томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Икки юз миллионлик катта бозор

Ташкилотга аъзо давлатлар жойлашган 4 миллион квадрат километр майдондаги қарийб 200 миллион аҳолини қамраб олган макон — бу катта бозор. Қолаверса, Марказий Осиё минтақасидаги туркий тилли давлатларда ишлаб чиқарилган турли товарларнинг Европа бозорларига экспортини ташкил этишда Озарбайжон ва Туркия транспорт йўлакларини жуда самарали ва қўлай имконият яратяди.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг ўтган йилги саммити доирасида давлат раҳбарлари бир овоздан мавжуд ва истиқболли минтақавий транспорт йўлакларидан аъзо давлатларнинг умумий манфаатлари йўлида фойдаланиш ва уларни Транскаспий халқaro транспорт коридорига Шарқ — Ғarb йўналишида интеграция қилиш тарафдори эканини маълум қилганди.

Транскаспий халқaro транспорт коридорини Шарқ — Ғarb йўналишида ривожлантиришнинг қўшма мақсади “Туркий дунё нигоҳи — 2040” стратегик ҳужжатда ўз ифодасини топан.

Ўзбекистон Каспий денгизи орқали ўтувчи Хитой — Қирғизистон —

Ўзбекистон — Туркменистон — Каспий денгизи — Озарбайжон — Грузия — Туркия — Европа, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон — Қозғистон — Каспий денгизи — Озарбайжон — Грузия — Туркия — Европа йўналишларидан фаол фойдаланмоқда. Қолаверса, ТДТ доирасида Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Озарбайжон ва Туркия томонлари иштирокида Транскаспий халқaro транспорт йўлагини ривожлантириш ишлари олиб борилмоқда.

Президентимизнинг Туркий кенгашининг 2021 йил март ойида бўлиб ўтган норасмий саммитидаги нутқидан таъкидланганидек, Марказий Осиё орқали асосий ҳажон бозорларига, жумладан, Хитой, Хиндистон, Покистон ва Осиёнинг бошқа мамлакатларига, шунингдек, Озарбайжон ва Туркия орқали Европа бозорларига чиқишни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда Хиндистон ва Покистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳамда Хитой билан товар айирбошлаш умумий ҳажмининг 97 фоизи денгиз орқали амалга оширилади. Шу нуктага назардан, ТДТ мамлакатлари мақомидаги транспорт йўлакларига қуруқликдаги йўналишда жозибали ва қўлай транзит чорраҳа сифатида қаралмоқда.

Мультимодал транспорт коридорлари салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш учун ТДТ мамлакатлари ва бошқа минтақалар ўртасида глобал узлуқсиз етказиб бериш заنجирини яратувчи ягона транспорт тармоғини шакллантиришни якунлаш зарур.

Бу йўналишда Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар ва Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлларини қуриш лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўшбу лойиҳалар якунига етказилгунга қадар мультимодал ташишларни ташкил этиш орқали транспорт йўлакларини ишини йўлга қўйиш керак. Мазкур йўналишда томонларнинг биргаликдаги савдо-иқтисодий алоқалари билан Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон — Афғонистон транспорт йўлагини ривожлантириш мақсадида жорий йилнинг сентябрь ойида Қошғар — Ўш — Андижон — Ғалаба — Ҳайратон янги транзит йўналиши бўйлаб контейнер юк поездининг синов қатнови йўлга қўйилди. Йўналишда иштирок этувчи давлатлар ўз мамлакатини худуди орқали ташиш учун тариф имтиёзларини тақдим этди.

Бир мажлисда икки ҳужжат

Туркий давлатлар ташкилотининг ўтган йилги саммитида унинг навбатдаги саммитини Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган эди. Шунга кўра, 2022 йилнинг 11 ноябрида Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар ташкилоти саммити бўлиб ўтади. Айни пайтда Ўзбекистонда мазкур йирик анжуманга пухта тайёргарлик қўрилмоқда. Саммитолди турли учрашув ва музокаралар ташкил этилмоқда. Бундан бизнинг соҳа ҳам мустасно эмас, албатта. Хусусан, 27-28 октябрь кунлари пойтахтимизда Туркий давлатлар ташкилоти транспорт вазирлари мажлиси бўлиб ўтди. Эътиборлиси, унинг якунлари бўйича икки муҳим ҳужжат келишилди. Булар — Ўзбекистон илгари сурган Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида халқaro аралаш юк ташиш тўғрисида битим ва Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган транспорт соҳасида ўзaro боғлиқлик дастури.

Бундан ташқари, стратегик ҳамкорликни давом эттириш мақсадида темир йўллар, портлар маъмуриятлари раҳбарлари ва ишчи гуруҳларнинг учрашувлари ташкил этилди. Улар жуда фойдали ва самарали бўлди.

Хусусан, йилгиш давомида “Ўзтемирйўлконтейнер” АЖ ҳамда Қозғистоннинг “Актау” ва “Курик” портлари ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳамда Туркиянинг транспорт ва инфратузилма вазирлиги рухсатнома бланкаларини айирбошлашнинг электрон “e-Permit” тизими фаолиятига старт берилди.

Мазкур ҳужжатлар ва учрашувлар туркий давлатлар худудидан ўтувчи транспорт йўлакларини тизимлаштириш, уларнинг худудидан транспорт ҳаракатини қўлайлаштиришга қўмқлаштириш, транспорт йўлакларини жозибдорлигини ошириш, мамлакатлар транспорт инфратузилмасининг илгор ривожланишини рағбатлантиришда қўл келади. Амалдаги халқaro транспорт йўлакларини самарадорлигини ошириб, янгиликларини шакллантиради. ТДТ мамлакатларига янги бозорларга чиқишни таъминлаб, йўналишларини диверсификация қилиш, ташиш географиясини кенгайтириш, шунингдек, қўшмача транзит ҳажмларини жалб қилиш имконини яратяди.

Туркий давлатлар ташкилоти ҳамкорлиги ана шундай самарали алоқалар орқали бораётгани билан аҳамиятлидир.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Дилшод УЛУҒМУРОДОВ ёзиб олди.

ҲАЁТИМНИ ЎЗГАРТИРГАН КУН



Алишер БОБОЕВ, Китоб туманидаги “Doktor Boboev health center” клиникаси раҳбари

Бугун юртимизда ҳар бир соҳада улкан янгиликлар рўй бермоқда. Оқсётган йўналиш бўлса, жиддий эътибор қаратилиб, тезда ривожланиш босқичига олиб чиқишга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, тадбиркорликда шу пайтга қадар кўп тўсиқлар мавжуд эди. Бу эса ишбилармонлик муҳитига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмаётганди. Аммо кейинги пайтда соҳада қатор ислохотлар рўй берди.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШАББУСЛАРИМНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

Хусусан, Президентимизнинг тадбиркорлар билан очик мулоқотлари ташкил этилмоқда. Бу эса айнан соҳада катта ўзгаришларга сабаб бўляпти. Натижада тадбиркорлик тараққиётига гов бўлаётган тўсиқлар олиб ташланмоқда.

Шифокор бўлганим боис, тиббиёт йўналишида тадбиркорлик қиламан. Айни пайтда Китоб туманида ташкил қилган “Doktor Boboev health center” хусусий клиникамизда мураккаб жароҳатли амалиётларини ўтказаяпмиз. Бунинг учун барча имкониятлар яратилган.

Жорий йил 22 август куни тадбиркорлар билан ўтказилган очик мулоқотда мен ҳам иштирок этиб, тақлифларимни билдирдим. Фикрларимни Президентимиз маъқуллагани ўз ишимга қизиқишимни янада оширди. Бир сўз билан айтганда, ўша учрашувда тарихий ўзгаришларга асос солинди.



Тиббиётда анча йиллардан буён ишлайман. Бу соҳада кадрлар масаласи жуда катта муаммо. Бугунги кунда биргина Қашқадарё вилоятида

900 га яқин юқори малакали шифокорга эҳтиёж бор. Республика миқёсида эса бу кўрсаткич янада ортиши аниқ. Шунингдек, мавжуд кадрлар

малакасини ошириш масаласи ҳам шу пайтгача фақатгина давлат тасаруфидидаги марказларда амалга ошириб келинмоқда. Клиникамиз ҳузурида жорий йилдан малакали кадрлар тажрибасини ошириш нодавлат марказини ташкил этдик. Аммо ҳали тўлиқ ишлаб кетиши учун вақт зарур эди. Очик мулоқот чоғида дастлаб хусусий секторга ҳам шифокорлар малакасини ошириш ваколати берилса, бу борада кенг қўлайликлар яратилишини айтдим. Давлатимиз раҳбари бу тақлифимни маъқуллаб, рухсат берди. Шунингдек, вилоятда хусусий тиббиёт олийгоҳи очиб, инвесторлик қилиш тақлифимни ҳам билдирдим. Бу ҳам Президентимизга маъқул келди. Ҳозир иккала тақлиф бўйича ҳам ишлар жадал кечяпти.

Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг “Қарши халқaro тиббиёт университети ташкил этиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси эълон қилинди.

Унга биноан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамда “Doktor Boboev health center” хусусий клиникаси ва “Neo institute of Medical Sciences and Technology” (Хиндистон), Истанбул соғлиқ билимлари университети (Туркия) билан ҳамкорликда Қарши халқaro тиббиёт университетини ташкил этиш ишлари бошлаб юборилди. Демак, қисқа фурсатларда расмий ишлар якунига етгач, янги тиббиёт олийгоҳи очилади. Бу эса нафақат вилоятимизда, балки бутун юртимизда малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади.

Мен учун давлатимиз раҳбари билан ўтказилган очик мулоқот тарихий кун сифатида муҳрланиб қолади. Бойси, юртимиз тиббиёти ривожини учун билдирган ҳар бир тақлифим инобатга олинб, амалга ошишига имкон берилгани жуда қувончли бўлди. Президентимиз ишончини оқлаб, астойдил меҳнат қилиб, Янги Ўзбекистонда янги ислохотларни амалга оширишга ҳаракат қиламиз. Нафақат менинг тақлифим, балки шу кунги ўз фикрларини билдирган тадбиркорларнинг ҳам ҳар бир сўзига эътибор қаратилди ва ўзгаришлар қилинишни айтди. Бу амалда рўй бермоқда. Бу ҳақиқатни ўз фаолиятим мисолида кўриб, гувоҳи бўлиб турибман.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

ТИНЧ, ОБОД ВА ФАРОВОН МАСКАН

ХАЛҚИМИЗ КЎЗ ОЛДИДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ ШУНДАЙ НАМОЁН БЎЛМОҚДА



Наим ОБЛОМУРОВОД,
Тошкент молия институтини
профессори, тарих фанлари
доктори

Бошланиши 1-бетда

Тарихий манбаларда қайд этилишича, жез даври ёдроглиги бўлган Сополитепада саккизта оила яшаган. Кейинчалик уларнинг сафига патриархал тизим асосида юздан ортиқ оила қўшилган. Катта оилалар жамоасини оқсоқоллар бошқарган, улар эса, ўз навбатида, оқсоқоллар кенгашига бирлашган.

Наршайий "Бухоро тарихи" асарида Бухорода бундан минг йил аввалги маҳаллалар ҳақида маълумот бериб ўтган. Алишер Навоий эса "Ҳайрат ул-аброр" асарида "Маҳалла шаҳарча ичидagi шаҳарчадир", деб ёзади. Тарихчилар Амир Темур даврида маҳаллалар ривожланиб, равнақ тоганини эътироф этади. Маҳалла жамоавий яшашнинг, ўзини ўзи бошқаришнинг ўзига хос кўриниши эканини эътиборга олсак, юртимизда бугунги тараққиёт этган жамиятни барпо этишга интилиш анча олдин бошланганига гувоҳ бўламиз. Чунки маҳалла халқимизнинг менталитети, дунёқараши асосида пайдо бўлгани учун йиллар силсиласида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади, аксинча, ривожланиб, замонавий кўринишга эга бўлиб борди.

"Маҳалла" сўзи замирида бағрикенглик, ахлоқ, поклик, ростгўйлик, омонатга хиёнат қилмаслик, меҳроқибат, дўстлик, садоқат, киндик қони тўкилган жойнинг қадрига етиш, уни қадрлаш каби ҳаётий тушунчалар жамулжам. Унинг бағрида сакхйлик, эл-улусни англаш, унинг манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш, соғлом оила ва фарзанда эга бўлиш, болаларни эл-юрт хизматиға ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялаш, ота-она ва бошқа катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш, ҳаромдан ҳазар, олижаноблик, қўшниларга, атрофдагиларга мурувват сингари сифатлар тарбияланади, ҳаётга татбиқ этилади. Шу сабабли, одамлар азалдан ўз маҳалласини қадрлаган. Унинг равнақи, аҳолисининг фаровонлиги учун қўлдан келадиган барча ишни қилган. Бу



ерда истиқомат қиладиган одамлар туғишган оға-ини, опа-сингил, қон-қариндош каби меҳр-оқибатли бўлиб, яхши ва ёмон кунларда бир-бирини қўллаб-қувватлаган.

Халқимизга хос ўзини ўзи бошқарув тизимининг бу ноёб усули қадимдан одамлар ҳаётидан чўқур жой эгаллагани бежиз эмас. Биз "Маҳалла — ҳам ота, ҳам она" ҳикматиани ана шу ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қиламиз.

Тафовут қиёсда кўринади

Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз. Бунга исбот учун мисолни олисдан излашга асло эҳтиёж йўқ. Ҳар биримиз ён-атрофимизга назар ташласак бас, исботини кўрамиз. Эл азиз бўлмаганида, шаҳар ёки туман марказларини қўйинг, овуллар, қишлоқлар, маҳаллаю кўчалар шунчалик обод бўлармиди?! Сахро ичра сўлиб, харобага айланган Мўйноқ шундай кўркам қиёфа касб этармиди?! Ҳатто номи ҳам йўқ бўлиб кетган Бўзтов обод бўлармиди?! Нўкус гуллаб-яшнаб, туманлар шунчалик ўзгарармиди?! Биргина Оролбўйида "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастури доирасида 80 дан ортиқ қишлоқ ва овулнинг қиёфаси тубдан янгиланди. Қорақалпоғистоннинг ўзида аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида ўн мингдан ортиқ хонадонли янги уй-жойлар қурилди. Замонавий боғчалар, мактаблар, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масканларини-ку саанаб адоғига етиш мушкул.

Ўқин-яқингача қорақалпоғистонликлар оғир жарроҳлик амалиёти учун узоқ йўл босиб, не машаққатда Тошкентга келар эди. Бугун эса бундай амалиётлар Нўкус шаҳри, Хўжайли, Беруний туманларида ўтказилмоқда. Қанча-қанча инсонлар соғлом ҳаётга қайтмоқда.

Тўғри, биз болаларимиз каби уруш ва унинг оқибатларини кўрмадик. Очлик, қаҳатчилик нималигини билмадик. Аммо бизнинг ҳам ёшларга айтиб берадиган, уларни бу кунларнинг қадрига етишга ундайдиган, даъват этадиган хотираларимиз бор. Зеро, биз мустақилликнинг дастлабки йилларидаги, ҳатто яқин йилларга давом этган қийинчиликларга гувоҳ бўлдик.

Масалан, узоқ ва яқин тарихимизга дахлдор бўлган пахта йиғим-терими ғала-говурларини эсга олайлик. Ўқувчи мактабга борса, ўқитувчи пахтада, бемор шифохонага борса, шифокор пахтада, давлат идоралари эшигига "Ҳамма пахта теримида", деб ёзиб, қўлф урилган. Бошингга тош қуласа ҳам, додингни эшитадиган одам йўқ. Ўша пайтлари "Ҳали шундай кунлар келади, "Нима муаммонг бор?" деб уйингга бориб, эшигингни тақиллатиб туришадир", деса, ким ишонарди?!

Президентимизнинг 2021 йил 2 апрелдаги "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида барча туман ва шаҳардаги жами 7 минг 794 та қишлоқ ва маҳаллада қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Утган йилнинг ўзига ижтимоий-иқтисодий аҳоли оғир 325 та қишлоқ ва 71 та маҳаллани комплекс ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, 2 минг 721 та маҳалладаги 10 минг километрдан ортиқ ички йўлни таъмирлашга 2 триллион, 500 та маҳаллага 4 минг километрдан ортиқ ичимлик сув тармоғи тортиш учун 1 триллион сўм ажратилди.

Электр таъминотини яхшилаш долзарб масала эканини бугун ҳаётнинг

газ баллонни талабгорларга етказиб берилди.

Қишлоқ ва маҳалла кўчаларини ободонлаштириш йўналишида 1 минг 473 километр пиёдалар йўлаги, 952 километр велосипед йўлаги, 1 минг 781 та спорт майдончаси ва 381 та болалар майдончаси таъмирланди.

Бундан ташқари, Жаҳон банки ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки билан ҳамкорликда "Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги 21 та туман, 60 та қишлоқда қиймати 485 миллиард сўмлик лойиҳалар бошланди. "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида инсон ҳақ-хуқуқлари масаласида адолатни таъминлаш мақсадида янги механизмлар, институтлар жорий қилинди.

Ижтимоий соҳаларни ривожлантириш мақсадида "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 966 та мактаб, 550 та мактабгача таълим ҳамда 331 та тиббиёт муассасаси, 13 та маданият объекти, 59 та спорт иншоотида қуриш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Маҳаллаларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш учун 11 та маданий мерос объекти, 55 та туризм ва ёндош инфратузилма объекти, 255 километр йўл, 45 та муҳандислик-коммуникация тармоғи таъмирланди.

Ассосий эътибор ҳудуддаги ишсизлик билан боғлиқ муаммоларга ечим топишга қаратилди. Бунда биринчи навбатда, ижтимоий химояга муҳтож, энг оғир шароитда яшаётган ногиронлиги бор шахслар, кам таъминланган,



боқувчисини йўқотган оилалар, ишсиз инсонларнинг муаммосини ҳал қилишга эътибор қаратилди. Энг муҳими, бугун ана шу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.

Кўз ўнгимиздаги янги ланишлар

Ҳозир ислохотлар шиддат билан давом этаётгани учун ҳаётимизда ҳар кун бирор муҳим ўзгариш, янгилик бўляпти. Буни кўпчилик ўз турмушида ҳам яққол ҳис қилмоқда. Сунгги уч йилда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 1500 дан ортиқ қишлоқ ва маҳалладаги йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектиларида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди. Шунингдек, уларда яшаётган аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

2022-2026 йилларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида қурилиш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишлари бажариладиган қишлоқ ва маҳаллалар сони бўйича мақсадли параметрлар тасдиқланди. Шунга мувофиқ, жорий йилнинг ўзига 413 та қишлоқ ва маҳаллада бошланган қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари якунига етаёзди.

Умуман, бу дастурлар доирасида ички йўлларни таъмирлаш учун жами 2 триллион сўм, ичимлик сув таъминотини яхшилаш учун 1 триллион сўм, ижтимоий соҳа ва бошқа



объектларни қуриш (таъмирлаш) ва ободонлаштиришга 1,4 триллион сўм ажратилади. Бу кичкина маблаг эмас. "Инсон қадри учун" тамойилининг амалий ифодаси бу.

Шу мақсадда жорий йилги дастурлар доирасида 4 минг 100 та маҳаллани обод қилиш, болалар боғчаси, мактаб, соғлиқни сақлаш, сув, электр, канализация билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга бюджетдан қарийб 29 триллион сўм ажратилди. Бунинг эвазига 434 та маҳаллада ички йўллар таъмирланди. 672 та маҳаллага ичимлик сув тармоғи тортилди. 34 та янги мактаб барпо этилди, 338 таси реконструкция қилиниб, 360 таси таъмирланди. Уларда

бўлган биттадан туманида тажриба тарқасида аҳолининг мол-мулк ва ер солиғини ундириш маҳалланинг ўзига ўтказилади. Бундан тушган маблаг маҳалла бюджетига қолади.

Маҳаллабай ва фуқаробай иш услублари айнаи дамба аҳоли муурожаатлари ва жамиятдаги қўллаб муаммоларни бартараф этишда барча соҳалар учун энг самарали йўл экани ўз исботини топмоқда. Хусусан, маҳаллабай ишлаш тизими мураккаб бўлишига қарамай, ҳар бир инсоннинг дардини тинглаш, ҳаётини тубдан ўзгартириш, жамият тараққиётини иқтисодий ўсишлар билан эмас, балки аҳолининг ўз ҳаётидан мамнунилиги билан

ва бошқа муҳим соҳаларда сезиларли ўзгариш яшаш учун ҳам шу ҳудуддаги айнан ўша тизим ходимларининг доимий иштироки муҳим аҳамиятга эга.

Маҳаллабай ишлаш, таъбир жоиз бўлса, барча соҳа мутасаддиларининг бир ёқадан бош чиқариб, маҳаллалардаги муаммолар, аҳоли турмушидаги муҳим масалаларни бирағалиқда ҳал этишидир.

Жойлардаги муаммоларни маҳаллабай аниқлаш ва бартараф этиш, маҳалла паспортдаги мезонлар асосида "қизил", "сарик" ҳамда "яшил" ҳудудларга ажратилган ҳолда барча маҳаллаларни "яшил" ҳудудга ўтказиш чораларини кўриш, ҳудудларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилган. Улар кўмағида одамларни қийнаётган қўллаб ижтимоий муаммолар ечим топмоқда.

Хусусан, ўтган йили ишчи гуруҳлар томонидан юртимиздаги мураккаб вазиятдаги маҳаллаларнинг ички йўллар, ичимлик сув ва электр таъминотини йўлга қўйиш, ирригация тармоғини яхшилаш бўйича қўллаб муаммолари ҳал этилди. Жумладан, чекка маҳаллалардаги ариқ ва зовурлар тозаланди, мевали ва манзарали дарахт қўчатлар экилди. Майший чикинди тўплаш масканни тартибга келтирилди. Мингдан зиёд тунги ёритқич мосламаси ўрнатилди.

Шунингдек, аҳоли саломатлигини сақлаш мақсадида 80 мингдан ортиқ фуқаро тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг 6 мингга яқинига белуп дори-дармон, қарийб 1,5 минг нафарига ногиронлик аравачаси, кўлтиқтаёқ ҳамда протез-ортопедия воситалари тарқатилди. Эҳтиёжманд 6,5 мингга яқин фуқарога майший техника, тикув машинаси ва озиқ-овқат маҳсулотлари, мингдан зиёд юртоқшимизга моддий ёрдам кўрсатилди.

Янги тизим нима беради?

Аввало, маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни хонадонбай ўрганиш, жумладан, аҳолининг бандлик даражасини, оилаларнинг даромад манбаларини, томорқадан фойдаланиш ҳолати ҳамда даромадли меҳнатга интилиш ва эҳтиёжларини таҳлил қилиш имконияти пайдо бўлади. Тадбиркорлиқни ривожлантиришга туртки берадиган омиллар ва йўналишлар белгиланиб, уларни ишга солиш орқали маҳалланинг иқтисодий қудрати юксалтирилади.

Доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар қизиқишини ўрганиш орқали касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилиб, маҳалланинг ўзига иш билан таъминланади. Қолаверса, маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолининг оилавий тадбиркорлигини ривожлантириш, жумладан, уларнинг ҳунармандлик, касаначилик, томорқадан самарали фойдаланиш, кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги фаолиятни йўлга қўйиш учун оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредит олишига кўмаклашилади. Томорқадан самарали фойдаланиш, уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, уруғчилик, қўчатчилик, гулчилик каби фаолият турларини йўлга қўйиш имконияти оширилади.

Бир сўз билан айтганда, кенг қамровли бу вазифалар изчиллик билан ижро этилиши маҳаллаларнинг чинакам обод ва фаровон масканга айланиши, халқимиз ҳаётида катта ўзгаришлар бўлишига замин ҳозирлайди. Бунинг илк нишоналарини аллақачон ён-атрофимизда, кўркам маҳаллаларда ҳам эътиборимиз. Тадбиркорлиги, ўз меҳнати билан даромад топиб, фаровонликка эришаётган хонадонлар мисолида кўрямиз. Юртимизнинг ҳар бир ҳудудида бундай обод ва кўркам гушалар, мафтунок масканлар, намунавий хонадон ва кўчалар кўпайяпти. Халқимизнинг ҳаётга ишончи ошиб, яшашга, келажакка интилиши янада кучаймоқда.

Ҳа, ободлик бор жойда файзу барака, ривожланиш, тинчлик ва тўқилик бўлади. Юртимизни барқарор ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, фуқароларимиз ҳаётдан рози бўлиб, эртанги кунга қатъий ишонч билан муносиб ҳаёт кечиршини таъминлаш бўйича олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни изчил амалга оширишда жамиятнинг энг муҳим бўғини ҳисобланган маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ҳамжиҳатлик — давр тақозоси

Маҳалладаги муаммолар ва аҳолининг кундалик майший масалаларини ҳал этиш биргина тизим ходимлари ёрдамида бартараф этиш имконсиз. Шу сабабли, бу жараёнда ҳар бир соҳа масъулларининг иштироки ва аралашуви муҳим. Жойларда маҳаллабай ишлаш механизмнинг асосини ана шу тамойил — барча соҳа вакилларининг ҳамжиҳат бўлиб, ҳудудлардаги масалаларни ечишга комплекс ёндашуви ташкил этади.

Айтайлик, бугун одамларнинг энг муҳим муаммосига айланиб бораётган газ ва иссиқлик таъминотини яхшилаш масаласини "Худудгазтаъминот" АЖнинг жойлардаги масъуллари иштирокисиз ҳал этиб бўлмайдиган. Шунингдек, сув, йўл



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

ТОҒДАЙ СУЯНЧИҒИ БЎЛГАННИНГ
ТОҒДАЙ ЮРАГИ БЎЛАР

**Хосият БОБОМУРОВА,
шоира, Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
маданият ходими**

“Ўзимни ишга урдим”

Юқори Чирчиқ тумани “Истиклол” МФИда йигирма хонадонни иш билан таъминлаган, “Аёллар дафтари”дан чиқиб, иш берувчига айланган тadbirkор аёл Гулмира Мансурова хонадонига йўл олар эканман, ушбу мисралар кўнглимдан ўтди:

*Богларингни кўздан кўрийдӣ,
Яхши-ёмон издан кўрийдӣ,
Ҳар хил нопок издан кўрийдӣ,
Аёлингни асравиш, элим!*

Қаҳрамонимиз бизни айланиб-ўргилиб кутиб олар экан, орада саволларимизга ҳам жавоб беришга улгурди:

— Отам, онам оддий ишчи бўлган. Оилада тўрт қиз, бир ўғил эдик. Ҳаммамизга ҳар йили мактаб очилишига оҳорли кийим керак. Уст-бошимиз бут бўлиши осон эмас эди. Бир-биримизникини қияйлик, десак, кийимлар ўз энгимиздаёқ эскирарди. Қаерда иш бор деб эшитсак, ўша ерга чопардик. Тўққизинчи синфда ўқиб юрганимизда қизларга, аёлларга қўшилиб, Қозоғистонга пахта тергани борардик.

Етишмовчилик сабаб ўзимни ишга урдим. Ҳеч қосамиз оқармади. Ишни парранда етиштиришдан бошладим. Тўғриси айтсам, аввалига омадим келмади. Гоҳ қоқилдим, гоҳ суридим. Аммо ҳар гал ўрнидан турдим. Тўйиб ухلامасам ҳам, зеру забарларга бурканмасам ҳам, тинмай ишладим.

Тўғриси, паррандачилик бўйича турмуш ўртоғим Зийнатилло



Низомиддинов устозлик қилди. Парранда парвариши нозик бўларкан. Гоҳ билиминг, гоҳ меҳринг етмаган жойда доғда қоларкансан. Бирдан “нол”га тушиб қолган дамлар ҳам ўтди бошимдан. Аммо умидсизликка тушмадим.

Бир миллион сўм пул топиб, Россияга кетаётган танишимга бериб юбордим. У менга “Оқ гигант” деган бедана тухумидан 500 дона бериб юборди. Бу пайтда “Аёллар дафтари”га киритилган эдим.

Давлатимиз раҳбари чиқарган қарорлар жонимга оро кирди. 2021 йилда 36 000 000 сўм кредит беришди. Ишончини оқлашим керак эди. Қариндошларимни ёнимга олиб, иш бошладим. Беш юзта тухумдан уч юзта жўжа очиб чиқди. Инкубатор сотиб олдим, витаминлар билан бойитилган ем олдим, аввалига бешта ишчи ўрин яратдим. Қаерда бедана ҳақида ёзилган бўлса, топиб ўқийман. Озгина ухласам, ваҳимага тушаман. Зиммамдаги қарзни қандай узаман экан, дейман. Айтишди-ку, ваҳм туби денгиз, ботасан-да, кетасан, деб. Йўқ, ботмадим бу денгизга. Қирғоққа интилдим. Етдим ҳам!

Астойдил сўрасанг, бераркан Аллоҳ. Ҳар тонг бошимни саждага

қўйганимда, юртимга, қўшниларибга, шулар қаторида оиламга ҳам барокат тилайман. Етказганига шукр.

Кўрқсанг айтма,
айтсанг кўрқма

“Етказиб бериш хизмати” оилавий корхонасининг бошлиғи Гулмира Мансурованинг тўлиб-тошиб гапиришларини роҳатланиб эшитдик. Республика маънавият ва маърифат марказининг Тошкент вилояти бўлими бошлиғи Сайёрахон Файзиева, ойига икки тоннадан бедана етиштириш учун нималарга эътибор қаратиш керак, дея савол берган эди, яна суҳбатдошимизнинг илҳомига илҳом қўшилди.

— Вилотимиз ҳоқими Зоир Мирзаев ҳар ҳафтанинг маълум санасида Урта Чирчиқ туманининг “Қумовул” МФИда тadbirkорларни қабул қилади. Менинг ишларим билан таниш эди. Бирдан мендан сизга бир миллиард сўм фоизсиз кредит берсак, йилнинг охиригача қайтариб бероласизми? — деб сўраб қолди. Бу пайтда жорий йилнинг уч ойи ўтиб бўлган. Ихтиёримда тўққиз ой бор эди. Йўқ, узолмайман. Беш юз миллион сўм берсангиз, қайтара оламан, дедим. Кўрқсанг айтма, айтсанг кўрқма, деган боболаримиз. Айтган сўзимнинг устидан чиқишга киришдим. Ишонамга қанот боғлаб, учиб келдим. Ишчиларимга янгиликни етказдим. Ҳаммамиз бу ишонч ва эътибордан руҳланиб кетдик. Юз миллион сўмга музлаткич, инкубатор (аввал ҳам бор эди), тўрт юз миллион сўмга махсус ем сотиб олдик.

Айнан шу кунларда 25 ишчи ўрин яратишга эришдим. Қишлоғимиздаги 20 хонадонга уларнинг имкониятига қараб, 1500 тадан 2000 гача ўн кунлик жўжаларни таркатаман. Емини ва сув ичадиган идишларини ҳам бераркан. Йигирма-йигирма беш кунда



беданалар гўштга тайёр бўлади. Уларни сўйиш ва махсус аппаратда жунини тозалаш билан ишчиларимиз шуғулланади. Ҳозирча 25 та ишчимиз бор. Ойига икки тонна бедана гўшти етиштиряпмиз.

— Режаларингиз ҳақида гапиринг, — дейди Сайёрахон.

— Иил охиригача 50 та ишчи ўрни яратаман. Ойига тўрт тонна бедана гўшти етиштириш ниятим бор.

— Соф фойдангиз қанча?

— Бир ойда тахминан 40-45 миллион, бир йилда 450-500 миллион сўм.

— 500 миллион қарзни узганингиздан ортганими бу?

— Албатта!

— Сайёрахон, сиз муҳбир бўлишингиз керак экан, керак саволларни бунча топиб беряпсиз, — дейман завқланиб.

Беданалар сайраса-ю,
кўнгил яйраса...

Ҳар бир ишчи ўз ишини билиб, астойдил бажараётгани кўриниб турибди. Ёзда ҳамма ҳам жўжа очиршига журъат қилмас экан. Бу жуда-жуда нозик иш. Авжига чиққан саратон, мисли қўрилмаган иссиқ ҳам Гулмирахонни ишдан тўхтата олмади. Айниқса, беданалар сайраган маҳалда кучига куч қўшилиб, кўнгли жуда яйраб кетди. Бошқалар жазирамада ишини тўхтатса, тўхтатар, аммо буларнинг ҳақи йўқ. Бошлиқ лафз қилган. Йилнинг охиригача қарзни узамиз, деб. Яна шунча соф даромад ҳам бор.

Ишчилар ҳар ойда бир ярим миллиондан икки ярим миллионгача маош олмакда. Энди гўштни дудлаш учун техника сотиб олмақчи. Хорижга

экспорт қилиш учун тараддуд кўрмоқда. Яна йил охирига бориб “Каптив” автомобиллини харид қилмоқчи.

— Бедананинг чиқит бўладиган бирор жойи йўқ, — дейди Гулмирахон. — Гўнги ҳам, пати ҳам, ичак-чавоғи ҳам, суяги ҳам қимматли. Ҳозирча бу ишларни йўлга қўя олмадик. Аммо режамизда бор. Шифокорлар ҳам кексаларга, беморларга, болаларга бедана гўшти ва тухумини тавсия қилапти.

Беданачиларнинг ораси — Ўзбекистон бозорини арзон баҳодаги бедана тухуми ва гўшти билан тўлдириш. Ортиқчасини эса хорижга сотиш.

Гулмиранинг шогирдлари кўп. Энг биринчи шогирди иссиғида ҳам, совуғида ҳам бирга бўлган, бору йўғига чидаган келини (укасининг рафиқаси) Ақмарал Сайфуллаева бўлади. Тўрт нафар боласи бор. Еши йигирма бешда. Қайнопасиниқ этагини тўтиб, уям “Аёллар дафтари”дан чиқиб кетди. Ўттиз уч миллион кредит олиб, устозига ўхшаб иш бошлади. Гулмира Мансурованинг таърифини эшитиб, иш ўргангани келганларнинг ҳеч бири бу даргоҳдан ноумид кетмайди. У биланларини билмаганларга астойдил ўргатади. Ҳамманинг бой бўлишини истайди.

Айтганча, сал нарида Гулмиранинг яна 50 та бўйи бир метрга етадиган баҳайбат товуклари бор. Ҳар бири 300 мингдан бир миллион сўмгача туради. Семиртириш учун мол ҳам боғлаб қўйибди.

Энг муҳими, икки қиз, бир ўғли меҳнатсевар бўлиб, вояга етмоқда. Эрхотин болаларининг билим олишига алоҳида эътибор беради. Мен етишмовчиликлар туфайли ўқий олмадим, болаларим ўқиши керак, — дейди Гулмира.

Катта ишларни бошлашдан кўрқмай-сизми, Гулмира, деган саволимизга эса жилмайиб, ортимда тоғ бўлиб суяйдиган юртбошим бор-ку, — дейди.

ЭЪТИРОФ

ТУРИЗМ РИВОЖИДА ФЕСТИВАЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Қадимий ва кўҳна Марғилонда атласу адрасининг турфа жилоларига бурканган V аънавий халқаро тўқимачилик “Атлас байрами” фестивали бўлиб ўтди. Қадриятларимиз нафаси уфуриб турган нуфузли тadbirkор нафақат иштирокчиларда, балки уни дунёнинг турли нуқтаcидан кузатганларда ҳам гўзал таассурот қолдирди.

Фестиваль кўплаб хорижлик сайёҳларнинг Ўзбекистонга қизиқишини ошириши баробарида Марғилон халқ бадийи хўнармандлиғи билан яқиндан таништириш имкониятини ҳам яратди. Tadbirkor доирасида намойиш этилган амалий санъат буюмлари ярмаркаси, халқ сайли, миллий либослар намойиши, аския ва катта ашула ижрочиларининг концерт дастури, дорбозлик ва кўғирчоқбозлик томошалари эса хўнармандларни ҳар томонлама руҳлантириб, янги-янги гўялар сари ундади.

Қадимий шаҳарнинг миллий хўнармандлиғи, архитектураси ва маданиятини намойиш қилиш, ёш, иқтидорли дизайнерлар малакасини янада ошириш ва уларнинг замонавий услубда ўқиб-ўрганишини мақсад қилган фестивалнинг яқини бошланишидан-да ҳаяжонли бўлди.

Tadbirkorнинг ёпилиш маросимида ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Сара Ношадӣ ҳам иштирок этиб, ушбу фестивал миллий хўнармандлик ва туризмни янада ривожлантиришга, шунингдек, давлатлараро муносабатлар, хўнармандлар ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади. Туризм ва маданий мерос вазири Азиз Абдуҳакимовнинг фестивал иштирокчиларига йўллаган табригида эса “Мазкур фестивал аънавий ўзбек тўқимачилик соҳасида номоддий маданий меросни тарғиб қилиш, аънавий хўнармандлиқнинг сифати ва дизайнини яхшилаш, аънавий тўқимачилик соҳасида халқаро тажриба алмашиш ва ўзбек тўқимачилик санъатининг халқаро майдонда эътироф этилишига катта ҳисса қўшади”, дейилди.

Дарҳақиқат, улкан тadbirkor бошиданок Марғилон халқаро майдонда эътироф этилиб, унга “Жаҳон ипак ва икат хўнармандлари шаҳри” мақоми берилди.

Фестиваль доирасида ташкил этилган “Замонавий дунёда аънавий тўқимачилиқнинг ўрни” мавзусидаги

халқаро конференция, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Россия, шунингдек, Европа ва Тинч океани минтақасига давлатларнинг таниқли дизайнерлари либослари коллекцияси, “Ёдгорлик” фабрикасидаги модалар намойиши кўплаб инсонлар қалбидан чуқур жой олди.

Бундан ташқари, АҚШ, Италия, Эрон, Мўғулистон каби кўплаб давлатлар вакиллари билан биргаликда фестивалнинг асосий тadbirkorлари ўтказилган Ижодкорлар боғига турли ноёб кўчатлар екилгани ҳам тарихий воқеа сифатида муҳрланиб қолади.

Фестиваль сўнгида аънавий тўқимачилик соҳасида қатор номинациялар ўз эгаларини топди. Хусусан, ўзбек кўл каштачилиғи аънаваларининг янгича талқини учун Мадина Қосимбоева, Бухоро зардўзлик аънаваларини сақлаб қолгани учун Бахшилло Жумоев, абр матоларининг маҳаллий аънаваларини сақлаб қолгани учун Набижон Тоштемиров, ипак гиламлар тўқишдаги



юқори технологик ва бадийи савия учун Илҳом Давлетов, ретро ва этник услуб уйғунлиғи учун Ирина Шарипова алоҳида эътироф этилди.



Фестивалнинг махсус мукофоти эса аънавий тўқимачилиқни сақлаш ва ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳамда Атлас байрами фестивалини ташкил этишдаги кўп йиллик фаолияти учун Расул Мирзааҳмедовга топширилди.

Мамлакатимиз илғор хўнармандлари фестивал таассуротлари билан ўртоқлашди.

Расулжон МИРЗААХМЕДОВ, Республика “Хўнарманд” уюшмасининг Фарғона вилоят бошқармаси раҳбари:

— 2015-2018 йилларда фестивал кичик доирада, асосан, мато тўқимачилигини ривожлантириш бўйича ўтказилган. Йилдан-йилга унинг қамрови кенгайиб борапти. Бу йил 80 дан ортиқ давлатдан хўнармандлар келгани ҳам буни тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиғи томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1164.
80721 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоcи келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

атиғи бир-иккита меҳмонхона бўлган. Қарангки, бугун юзлаб хўнармандлар, меҳмонларни жойлаштириш учун барча шароитлар яратилган. Янги-янги меҳмонхоналар қурилганидан хулоса қилиш мумкинки, фестиваллар туризм ривожига жуда катта ҳисса қўшар экан.

Мадина ҚОСИМБОЕВА,
каштадўз хўнарманд:

— Ўзбек каштадўзлиғи ўзининг бетакрорлиғи, ажиб фансафий маъноларни муҳассас этгани билан алоҳида ўрин тутди. Айнан шунинг учун ҳам миллий каштачилиғимизга дунё давлатларида қизиқиш катта. Хўнармандлиқнинг бу йўналишида янгича талқинга эга бўлиш ҳам бугунги куннинг талаби. Шунинг учун ҳам ўзбек каштачилиқ мактаблари фаолияти сезиларли даражада жонланяпти. Шогирдлар сафи кўндан-кўн кенгайиб бораётганидан ҳам англаш мумкинки, ёшларимиз миллий каштачилиғимизга бефарқ эмас.

Илҳом ДАВЛЕТОВ,
гиламдўз:

— Фестивалда табиий ранглардаги гиламларимиз билан қатнашдик. Зеро, бугунги кунда табиийликка эҳтиёж катта. Бу йилги фестивалда иштирок этиш ўз-ўзидан бўлмади. Хўнармандлар саралаб олинди. Жуда кўп экспертлар келгани боис, буюртмалар қабул қилиш, тажриба алмашиш имконини кенгайтирди. Қатарлик, туркиялик хўнармандлар гиламдўзлик борасидаги тажрибамизга, айниқса, катта қизиқиш билдирди. Эндилекда нафақат гилам, балки кашталар, бахмаллар, атлас ва адрасларни ҳам табиий рангда яратишни режа қилиб турибмиз. Шунингдек, Қашқадарё, Сурхондарёда кенг фойдаланиладиган тақир гиламларни аввалгидек табиий рангларда тўқишни бошлаймиз.

Меҳнатга яраша рағбат инсонни юксалтиради, жисмига янги куч, ғайрат бағишлайди. Ишонамизки, бугун жаҳон хўнармандлари эътиборини қозониб, муносиб қадрланган фидойи хўнармандларимиз кейинги фестивалларда шашт ва суръатларини туширмайди.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютеризацияда сақланган.
Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли chop этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусаххих: Малҳолат Минғобоева
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА яқини — 21:25 Топширилди — 23:15